



СЎЗ ЯСАШ ТИЗИМЛАРИ ҚИЁСИГА КОГНИТИВ ЁНДАШУВ

*Сафаров Шахриёр,
СамДЧТИ профессори*

Калим сўзлар: маданият, қиёсий таҳлил, асимметрия, сўз ясаш, прототип, когнитивизм.

Тил ва маданиятнинг ўзаро муносабати тадқиқотчилар диққатини узок пайтлардан буён жалб қилиб келаётган масаладир. Ҳозирги пайтда етакчи ўринга чиққан когнитивизм доирасида ҳам ушбу масаланинг муҳокамаси янада долзарблашиб бормоқда.

Миллий маданият ва унинг вакиллари учун мулоқот воситаси ролини бажарадиган тилни ўзаро боғловчи тугунларнинг мукамал ва кўпқатламлиги борасида билдирилиб келинаётган фикрларнинг турли-туманлиги барчага маълум. Бизнингча, бу борадаги фикр-мулоҳазаларни уч асосий гуруҳга бирлаштириш мумкин. Биринчисига биноан, тил маданиятни акс эттириши таъкидланса, иккинчи гуруҳ вакиллари инсонлар олами ўз она тили қамровида тақсимлайди ва идрок этади деб ҳисоблайди. Мазкур талқиннинг пайдо бўлиши В. фан Хумбольдт, Э. Сепир ва Б. Уорфлар номлари билан боғлиқ бўлиб, фанда “лингвистик нисбийлик фарази” атамасини олган. Ниҳоят, учинчи ёндашув тилни маданий факт ёки “маданиятнинг воқеланиш намунаси” сифатида қарашни тарғиб қилади.

Санаб ўтилган талқинлар, қанчалик бир-биридан фарқ қилмасин, ҳеч қачон бири иккинчисини инкор этмайди. Аксинча, уларнинг барчасида икки мураккаб семиотик тизим-тил ва маданиятнинг ўзаро алоқаси ва бири-иккинчисини тақозо этиши алоҳида таъкидланади. Айнан ушбу ҳодисаларнинг муштарак жиҳатлари, уларнинг ўзаро таъсир даражасининг юксаклиги, ушбу боғлиқлик ришталарининг кўлами сабаб-оқибатларни аниқлашни қийинлаштиради.

Бошқача айтадиган бўлсак, тил ва маданият бир-бири билан боғланиши қандай ва нима воситасида боғланишини давом этишига ишонмоқ даркор (қarang: Сафаров 2015: 287-335).

Мазкур муаммонинг тиллараро ва маданиятлараро чоғиштира тадқиқотлар олиб борилаётганида янада долзарбланиши муқаррар. Зотан, бу ҳолатда ягона бир воқеликнинг турли тил соҳиблари томонидан ҳар хил идрок этилиши ва олам лисоний манзарасининг турлича кўриниш олишининг гувоҳи бўламан. Атрофдаги воқелик сиртдан айнан ўхшаш бўлган тақдирда ҳам тил тизимида турлича акс топиши мумкинлиги тез-тез кузатиб турилади ва бу олам лисоний манзарасининг асимметрик хусусият касб этишига олиб келади. Натижада, маълум лисоний-маданий жамоанинг миллий хусусиятини намоён қилувчи тил тизими ҳамда ақлий-идрок фаолияти ўртасидаги муносабат шаклланади. Буларнинг барчаси миллатнинг дунёқараши доирасига киради.

Энг муҳими, олам лисоний манзарасининг бундай асимметрик кўриниши тил тизимининг барча сатҳларига бир хилда хосдир ва бу яна бир бор тилнинг яхлит тизимга эга қурилма эканлигини тасдиқлайди. Тил сатҳларида юзага келадиган асимметриянинг сабаблари лисоний ва нолисоний омиллар билан боғлиқ ҳолда изоҳланади. Чунки, ҳаракатчан тизим характерида эга бўлган тил бир пайтнинг ўзида маданий факт ва унинг фаолият воситаси бўлаётиб, жамиятда туғилган эҳтиёж, ижтимоий талабларга ҳозиржавобдир. Чамамда, тиллардаги у ёки бу сўз ясаш моделларининг ўта фаоллигини худди шу



“ҳозиржавоблик” билан изоҳлаш мумкин. Масалан, ҳозирги инглиз тилида V+er ёки V+ing моделлари ҳеч қандай лексик–грамматик чекловга эга эмас, улар татбиқида ҳар қандай ўзакдан янги дериватни ҳосил қилиш имкони мавжуд. Худди шунингдек, лисоний ва нолисоний эҳтиёжнинг мавжуд бўлмаслиги инглиз ҳамда ўзбек тилларида род категориясининг йўқолиши ёки умуман бўлмаслигига сабаб туғдирганлигига ишониш мумкин.

Когнитив ёндашувнинг лисоний ҳодисалар изоҳини осонлаштирувчи усул сифатида кейинги йилларда тилшуносликнинг филология, морфология, лексика, дискурс соҳаларига татбиқ этилиши тил тизимини “билимни тўплаш, уни воқелантириш ҳамда изоҳлашнинг когнитив механизми” кўринишида тасаввур қилиш имконини яратади (Кронгауз 2005: 195). Маълумки, сўз ясаш тизими, бир томондан, воқеликни лисоний тасвирлаш ва тавсифлашнинг муҳим воситаси бўлса, иккинчи томондан, нолисоний омиллар билан яқин алоқада бўлганлиги боис, тил ҳодисаларини ижтимоий ҳамда лингвомаданий жиҳатдан изоҳлашга қодир ҳисобланади. Шундай экан, когнитив амалларнинг сўз ясаш тизими таҳлилига татбиқи замонавий тилшунослик тараққиёти учун ўта муҳим босқичдир.

Демак, ясама сўз ёки ҳар қандай дериватни лисоний тафаккур фаолият “маҳсули”, шу фаолият оқибатида яратилган “асар” сифатида қараш лозим бўлади. Ясама бирлик Г.Гегель таклиф қилган учлик “ижодкор субъект асар истеъмолчи субъект” учлиги (Гегель 1977: 383) доирасида “маданий белги” мундарижасига эга ҳодиса мақомида қаралиши керак.

Бундай талқинда лексик деривациянинг мажмуавий бирлиги бўлган сўз ясаш уясини ажратиш муҳимдир. Ушбу ҳолатда икки ёки ундан ортиқ тилдаги муқобил лексик–семантик гуруҳларнинг деривацион, яъни янги сўзлар ясаш имкониятлари қиёсланади. Ҳозирги пайтда мажмуавий кўринишдаги

сўз ясаш бирликлари лисоний когнитив категориялар қаторига киритилиб, оламни билишнинг моделлаштириш усули мақомида қаралмоқда (Евсеева 2017: 94). Моделлаштиришнинг ушбу усули асосида тил ҳодисаларини тизимли равишда тавсифлаш имконини берадиган фреймларни ажратиш амалиёти туради. Шунингдек, категориялаштириш амалиётини ҳам инобатга олиш зарурати мавжуд. Р. Лангаккернинг фикрича, тилни “алгоритм хусусиятидаги лисоний тузилмаларни тайёр ҳолда яратувчи механизм ҳолатида эмас, балки рамзлар заҳирасига эга ҳодиса” сифатида қараш маъқул экан (Лангаккер 1992: 16).

Шунга нисбатан, сўз уяси аъзолари учун умумий бўлган дериватив маъно қиёсланаётган тиллар учун прототип, яъни умумийдир ва бу бир хил турдаги уянинг структур тузилишига асосланади. Жумладан, инглиз, ўзбек ва рус тиллари билиш феълларининг маъно жиҳатидан яқинлиги (умумийлиги) ушбу тилларда сўз ясаш уяларининг муқобиллашуви билан изоҳланади.

Юқорида эслатилган билиш феъллари умумий уяси инглиз ва ўзбек тилларида мураккаб тузилишга эга. Унинг деривация жараёни уч босқичдан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бирида ўзгаришларнинг алоҳида сўз туркумлари доирасида кечиши кузатилади. Масалан, ушбу тилларда кечаётган деривациянинг биринчи босқичида тўртта сифат “таъсирга учрайдиган”, “таъсирга қодир”, “таъсирга хос” “таъсир кўрсатаётган”) ва иккита субстантив (“ҳаракатдаги шахс”, “ҳаракат номи”) ҳосилалар юзага келади. Қизиғи, энг кўп ҳосилалар айнан биринчи босқичда пайдо бўлади ҳамда улар тиллараро муқобиллик хусусиятига эга. Бунда учта субстантив (“ҳаракат қобилиятига эга бўлиш хусусияти”, “ҳаракат воситаси,” “ҳаракат натижаси”) ҳамда, биттадан феъл ва равиш ҳосилалари юзага келади.

Деривациянинг иккинчи босқичида яна бир равиш ҳосиласи (“ҳаракатни бажариш усули”) қўшилади. Бундан ташқари, тўртта сифат (“ҳаракатни бажаришга қодир бўлмаган”, “ҳаракатни



бажарадиган”, “ҳаракатга моне”, “ҳаракатга учрайдиган”) ва иккита субстантив (“ҳаракат номи”, “ҳаракатга моне хусусиятга эга”) сўз яшаш маъноси воқеланади. Худди биринчи босқичда бўлганидек, бу ерда ҳам инглиз–ўзбек муқобилликлари намоён бўлади.

Олиб борилган таҳлиллар кўрсатишича, деривация босқичлари ўсгани сари сўз яшаш уяларининг мавҳумлашуви кучайиб боради ва хосилалар миқдори камайиб боради. Хусусан, ўрганилган феъллар гуруҳи деривациясининг учинчи босқичида бор–йўғи иккита инглиз–ўзбек муқобиллик ҳолати кузатилди (“ҳаракат номи”, “ҳаракат бажариш қобилияти”).

Айтилганлардан сўз яшаш уясига хос бўлган типик маънонинг умумийлиги, унинг икки ёки ундан ортиқ тил учун прототип хусусиятига эга бўлиши, унинг фақат қиёсланаётган тиллар учун муҳим бўлмасдан, балки когнитив универсалия мақомини олишга қодир эканлигидан хабар беради. Ушбу тарздаги ёндашув мажмуавий сўз яшаш бирликларини (масалан, сўз яшаш уясини) маълум гуруҳдаги луғавий бирликларнинг деривацион имкониятларини ақс эттирувчи “прототип фрейм” мақомида талқин қилиш мумкин.

Шунга қарамасдан, ҳар қандай мажмуавий бирликда, ҳатто сўз яшаш фреймида ҳам, олам лисоний манзарасининг асимметрик кўринишлари намоён бўлади. Бу турли лисоний маданиятларда деривацион фаолиятга нисбатан “ижтимоий буюртма” бир хил бўлмаслиги сабабли юзага келади ҳамда сўз яшаш маъноларининг воқеланиши бир хилда кечмайди. Жумладан, инглиз тилидаги кўриш феъллари гуруҳида “ҳаракат номи” сўз яшаш маъноси 11 та дериватни ҳосил қилади: (looking, beholding, contemplation, watching, etc.), рус тилида эса 15 ясама сўзни учратамиз: “зрение”, “лицезрение”, “видение”, “смотреть”, “смотреть” и т.д. Ўзбек тили луғатида эса бу уяга кирувчи сўзлар нисбатан камроқ: “кўриш”, “кўриш

қобилияти”, “кўзлаш”, “кўргазма” ва ҳоказо

Шундай қилиб, сўз яшаш уяси юқори шаклдаги тузилишга эга ҳодиса бўлиб, унинг барча элементлари ўзаро мураккаб тузилишдаги боғлиқликка эга. У ёки бу уядаги деривацияларнинг ўзаро алоқаси турли кўринишга эга бўлиши ҳар қандай турдаги лисоний бирликлар ўртасидаги чегаранинг заифлигидан дарак беради. Воқеликдаги объектларнинг маълум гуруҳларга бирикиши ҳақидаги фаразни биринчилардан бўлиб Арасту айтган эди. Негизида категориялар ҳақидаги фикр турадиган ушбу таълимотга биноан инсон олами ундаги нарсаларни ҳодисаларни таснифлаш ва категориялаштириш орқали ўзлаштиради. Ҳар бир маълум мундарижага эга нарсани Арасту ўзи ажратган ўн та категориядан биттасига киритган эди.

Ҳозирги кунда когнитив йўналишда категория шаклланиши борасидаги мумтоз ғояни қайта кўриб чиқишмоқда. Ушбу ёндашувда категориялар инсонга нисбатан, унинг олами идроки ва ҳаётий тажрибаси нуқтаи назаридан тавсифланмоқда. Дарҳақиқат, турли объектлар бирор-бир умумий хусусиятга эга бўлган тақдирда ягона бир категория, синфга киритилиши мумкин. Бунинг учун ажратилаётган хусусият олами билиш ҳаракатидаги субъект, инсон учун аҳамиятли бўлиши шарт. Когнитив тилшунослик, турли билимларни тизимли тавсифлаш ва тилни эгаллаш механизмлари изоҳлаш билан банд бўлган ҳолда, билим турларининг ўзаро муносабатини ҳамда тилнинг ментал жараёнларини, инсонлар тажрибасини концептуаллашув ва категориялашув шароитларини ташкил қилади.

Когнитив ёндашув, шунингдек, дериватологиянинг марказий объекти бўлган ясама сўзга ва мажмуавий тузилмаларга янгича талқин бериш имкониятини яратади. Ушбу ёндашувда ясама сўз олам ҳақидаги ахборотни жамловчи бирлик сифатида қаралади. Айнан сўз яшаш сатҳида алоҳида тилларнинг лингвокультурологик ва этномаданий таҳлилини олиб бориш



хамда тиллараро умумийлик, фарқли кенгайди.
жиҳатларни аниқлашнинг имконияти

Адабиётлар

1. Гегель Г. Философия духа. Энциклопедия философских наук. – М.: Мысль, 1977. – 471.
2. Евсева И.В. Комплексные единицы русского слово–образования. – М.: URSS, 2017. – 312 с.
3. Кронгауз М.А. Семантика . – М. : Академия, 2005. – 350 с.
4. Лангаккер Р.У. Когнитивная грамматика. – М.: ИНИОН РАН, 1992. – 56 с.
5. Сафаров Ш. Тил назарияси ва лингвометодология. – Т. Баёз, 2015. – 376 б.

Сафаров Ш. Когнитивный подход к сопоставительному исследованию словообразовательных систем. Статья посвящается изучению взаимосвязи языка и культуры, отражению языковой картины мира на словообразовательном уровне. Исследуются производные глаголы английского, узбекского и русского языков. Доказывается, что асимметрия языковых картин мира проявляется на всех уровнях языка, в том числе словообразовательном.

Safarov Sh. Cognitive approach to the contrastive study of word – building systems. The article is devoted to the study of interconnection between language and culture and depiction of the real world in word-building system. While analyzing the verbs of knowledge in the English, Uzbek and Russian languages there were determined the cases of asymmetry in the process of linguistic attraction of the real world in different languages.